

ТАЪЛИМ МУАСССАСАЛАРИДА ПЕДАГОГЛАРНИНГ ИНДИВИДУАЛ МУЛОҚОТ УСЛУБИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

М.А.Махсудова
НамДУ

Аннотация: Ушбу мақолада олий ўқув юрларидаги ўқитувчининг педагогик фаолиятини индивидуал мулоқот услубини ўрганиш методикаси таҳлили ва тавсиялари берилган.

Калит сўзлар: мулоқот, индивидуал услуб, таҳлил, тавсия, ижтимоий муносабатлар, коммуникатив, ўқитувчи, комил инсон, трансакт таҳлил

FORMATION OF INDIVIDUAL COMMUNICATION METHODS OF TEACHERS IN EDUCATIONAL INSTITUTIONS

M.A.Maxsudova
NamSU

Abstract: This article deals with the analysis of questionnaires and recommendations for the study of an individual method of communication of pedagogical activity of a teacher in higher educational institutions

Keywords: communication, individual style, analysis, recommendation, social relations, communication skills, teacher, ideal person, transactional analysis

Ўз мустақил тараққиёт йўлидан бораётган Республикамиз ёшларини янгича ижтимоий муҳитга тайёрлаш, давр руҳида тарбиялаш - шу куннинг долзарб ва устувор вазифаларидан биридир. Ҳозирги кунда Республикамизда амалга оширилаётган ислохотларнинг тақдирини ёшларнинг маънавий қиёфасига, шахсий баркамоллигига боғлиқ. Бу вазифаларни амалга ошириш инсоний ўзаро муносабатларда демократик тамойилларни онга тўла сингдиришни тақозо этади. Инсонлар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар Шарқда ўзига хос ва ҳар бир миллат психологиясига мос ҳолда шакллантиришдир. Янгиланиб бораётган жамиятимизда соғлом авлодни тарбиялаш, комил инсонларни вояга етказиш масаласига катта эътибор берилмоқда.

Комил инсоннинг муҳим сифатларидан бири муомала маданиятидир. Етарлича шаклланмаган муомала маданиятисиз соғлом ижтимоий муносабатларни ўрнатиш жуда мушкул. Муомала билан боғлиқ муаммолар психология фанида чуқур ўрганилган бўлиб, бу борада катта ҳажмдаги илмий билим тўпланган. Унга таяниб инсоннинг рухий тараққиётини, унинг

атрофдагилар билан бўладиган алоқасини, индивиднинг шахс бўлиб шаклланишини муомаласиз тасаввур қилиб бўлмайди, деган хулосага келиш мумкин. Чунки муомала ҳам ўзига хос инсоннинг эҳтиёжларидан бири. Миллий ғоямизни ёшлар онгига сингдириш биз катталарнинг бурчимиздир. Бунинг учун уларни комил инсон қилиб тарбиялашимиз зарур.

Комил инсон шундайки, унда тўртта хусусият, яъни яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ, маориф камолга етиши лозим.

Республикада амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларда келажак авлодни мустақиллик мафкураси руҳида тарбиялашга катта эътибор берилмоқда. Ҳозирги кунда таълим олаётган ёшлар Республиканинг келажакдир. Уларни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялаш таълим-тарбия муассасаларининг асосий вазифасидир. Юксак малакали педагоглар тарбиялаш ва уларнинг малакасини ошириш эса кадрлар тайёрлаш соҳасидаги устувор вазифалардан бири саналади.

1-Президентимиз И.А.Каримов ўзининг “Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолати” номли рисоласида шундай деб таъкидлайди “Тарбиячи - устоз бўлиш учун бошқаларнинг ақл-идрокини ўстириш, маърифат зиёсидан баҳраманд қилиш, ҳақиқий ватанпарвар, ҳақиқий фуқаро этиб етиштириш учун энг аввало тарбиячининг ўзи ана шундай буюк фазилатларга эга бўлиши керак”.¹

Бу ўз навбатида ўқитувчи-тарбиячиларнинг юксак касбий ва шахсий фазилатлар эгаси бўлишни тақозо этади. Шунинг учун ҳам ўқитувчи олдида қўйган вазифалар унга мураккаб маъсулиятни ва айни пайтда шарафлидир. Маълумки, педагогик жараён мураккаб тузилишга эга бўлиб, педагог шахси ва ўқувчи ҳамкорлигига асосланиб ташкил қилади. Ўқувчи ва ўқитувчи ўртасидаги ўзаро муносабат жараёнидаги мулоқот малакалари билан боғлиқ. Мулоқот инсон ҳаёти ва фаолиятининг муҳим шартидир.

Айнан мулоқот бирини тушунмаслик, турли зиддиятли вазиятларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Мазкур зиддиятли вазиятларни аниқлаш, олдини олишнинг психологик механизмларини ўрганиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Турли ёш даврларида мулоқот янги психологик хусусиятларнинг шаклланишига бевосита таъсир кўрсатувчи фаолият сифатида гавдаланади. Мулоқот жараёнида инсон хулқ-атворининг муайян образ ва моделлари шаклланиб, кейинчалик улар интериоризацияланади.

Мулоқот давомида ижтимоий ва шахсий муносабатлар амалга ошади, унинг воситасида ҳамкорликдаги фаолият рўёбга чиқарилади. Мулоқот психологияси соҳасидаги билимларни ёшлар, айниқса, бўлажак ўқитувчиларга етказиш уларнинг психологик саводхонлигини оширади, маънавий ахлоқий

¹ 1. И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. Т. “Ўзбекистон” 1999, 17-18 бетлар.

тарбиясини юксалтиришга, бўлғуси педагогик фаолиятларини муваффақиятли амалга оширишга катта ёрдам беради.

Ёшларни маънавий дунёсини бойитиш, уларнинг онгига миллий ғоя асосларини сингдириш, ватанпарварлик ҳиссини тарбиялаш, ўтмиш ва буюк келажак ҳақида фикрлаш, у билан фахрланиш ҳиссини, янги тафаккурни шакллантиришда педагогик мулоқотнинг роли жуда катта.

Мулоқот муаммоси билан жуда кўп олимлар шуғулланиб келадилар. Э.Берн фикрича, мулоқотнинг шаклланишида трансакт таҳлиlining роли катта. Шахснинг етуклиги инсонда катта одам ЭГО ҳолатининг қанчалик шаклланишига боғлиқ бўлади. Трансакт таҳлилга кўра, мулоқот давомида иштирокчилар ҳар бир ЭГО ҳолатга мувофиқ келувчи позицияда туриб алоқага киришадилар. Айрим трансакциялар ижобий муносабат шаклланишига, баъзилари низога олиб келади. Америкалик олим Меграбян формуласига кўра, биринчи марта кўришиб турган суҳбатдошлардаги таассуротларнинг ижобий бўлишига гапирган гаплари 7%, паралингвистик омиллар 38% ва новербал ҳаракатлар 58%гача таъсир қиларкан.

Э.Берннинг трансакт таҳлилига кўра, инсонда 3 та “МЕН” мавжуд: болалик, ота-оналик, катта одам.

Ўқитувчининг педагогик фаолиятини индивидуал мулоқот услубини ўрганиш методикаси НамДУнинг 400 нафар профессор – ўқитувчиларида, ҳамда Наманган муҳандислик педагогика институти профессор-ўқитувчиларининг 100 нафарида ва Наманган муҳандислик технология институти профессор-ўқитувчиларининг 100 нафарида ўтказилди. Синалувчиларни икки гуруҳга 5 йил стажга эга бўлганлар, 10 йил ва ундан ортиқ фаолият юритган ўқитувчиларга ажратилди. Методика 32 та саволномадан тузилган бўлиб, унга мос равишда жавоб тасдиқлари келтирилган. Унга кўра, педагог фаолиятининг қуйидаги мулоқот услубларини ўрганиш имкониятини беради.

1. Эмоционал - импровизацион услуб
2. Эмоционал - методик услуб
3. Фаолиятли - импровизацион услуб
4. Фаолиятли – методик услуб

Мазкур методика синалувчилар гуруҳида ўтказилиб, натижалар миқдорий ва сифат жиҳатидан юқорида келтирилган мезон асосида таҳлил қилинди. Миқдорий таҳлил натижаларини яққол ифодалаш мақсадида жадвалда акс эттирилди.

Натижаларни жадвал кўриниши

| Синалувчилар | Эмоционал - импровизацион услуб | Эмоционал - методик услуб | Фаолиятли - импровизацион услуб | фаолиятли – методик услуб |
|-----------------------|---------------------------------|---------------------------|---------------------------------|---------------------------|
| 5 йил стажли | 30% | 25% | 25% | 20% |
| 10 йил ва ундан ортик | 33% | 22% | 28% | 17% |

Синалувчиларда эмоционал импровизацион услуб юқори даражада эканлигини кўриш мумкин, бу педагогларда ўқув жараёнини режалаштира олмаслиги, талабаларда фан соҳаларига нисбатан кучли қизиқиш уйғота олиши шунингдек, турли хил методикалардан фойдалана олиши билан ҳарактерланади. Эмоционал – методик услуб бу синалувчиларда 22% ва 25% ни ташкил қилади, яъни улар учун ўқув фаолиятининг натижаси қизиқарли, улар ўқув жараёнини мос равишда ташкил қилади, шунингдек, унда ўқув фаолиятини ташкил қилишнинг турли метод ва методикалари мавжудлиги билан тавсифланади. Фаолиятли-импровизацион услуб 28% ни ташкил қилиб, бу ўқитувчи ўқув фаолиятининг натижасига қизиқиб, уни мос равишда ташкил қилади. Уларда ҳар доим ҳам юқори темпда ишлаш имкониятининг пастлиги билан белгиланади. Фаолиятли – методик услуб синалувчиларди 17 % ни ташкил қилади. Уларда педагогик фаолият услублари ва воситаларидан фойдаланиш консерватив характерга эга. Юқори даражадаги методикаларга эга бўлиб, улар талабалар томонидан материални ўзлаштиришни назорат қилиш, ўқув материалларни қайтариш улар учун хос.

Демак, таълим муассасаларида педагогларнинг индивидуал мулоқот услубини шакллантириш таълим сифатига ижобий таъсир қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т. “Ўзбекистон” 1999, 17-18 бетлар.
2. М.Махсудова. Мулоқот психологияси.Т. ”Турон-иқбол”. 2006.13-бет.

References

1. I.A.Karimov. Uzbekistan is moving towards the 21st century. Т. “Uzbekistan” 1999, pages 17-18.
2. M.Maxsudova. Communication psychology.Т. "Turon-iqbol". 2006.13-p.